

ТОШКЕНТ ОҒДШОМЖИ

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ДАВР САДОСИ
Барча маббалардан олинган сўнги ахборотлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 48 (9.240) 1999 йил 28 апрель, чоршанба Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Америка Қўшма Штатлариغا сафари нихонисига етди. Уч кунлик ташриф давомида давлатимиз раҳбари НАТОнинг 50 йиллигига бағишланган ўтказилган тадбир доирасида бўлиб ўтган Евроатлантика ҳамкорлик кенгашининг янги мажлисида иштирок этди, АҚШнинг раҳбар доиралари вакиллари билан музокаралар ўтказди, турли йирик халқаро ташкилотлар вакиллари билан учрашди. Президент сафардан қайтаётган, журналистларга берган интервьюсида Ўзбекистон жамияти тараққийлаётган давлатлар ва ташкилотлар, шу жумладан АҚШ ҳамда НАТО билан ҳам тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт йўлида ўзаро тенг манфаатли ҳамкорлик қилиши, дўст бўлиш тарафдори эканини таъкидлади. Дўстлик дегани эса оғалик ёки ишчи давосини сурши эмас, балки бир-бирини тушуниш, бир-бирига қўмаклашиш ва ўзаро тенг ҳамкорликдир. Президент Ислам Каримовнинг АҚШга сафари айна мўддоага эришиш йўлида мамлакатимиз учун, унинг эртанги кунини учун муҳим аҳамият касб этади.



ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг АҚШга ташрифи ҳақида гап кетганда, аввало унинг учта муҳим жиҳати тўхталиб ўтиш керак бўлади. Бинобарин, айтиш шарткилар мазкур сафарнинг моҳиятини очиб беради. Аввало, ташрифнинг бош сабаби - НАТО саммити ва ушбу тадбир асосида Ўзбекистон-НАТО муносабатлари ҳақида. Маълумки, Ўзбекистон НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурининг фаол иштирокчиси саналади. Дастур асосидаги ўзаро мулоқот эса ҳарбий-ўқув машқлари доирасида кечаяпти. Лекин биз қўзлаган мақсад НАТОга аъзо бўлиш эмас. Бунинг иккита сабабини айтиб ўтишимиз мумкин. Биринчидан, Ўзбекистон ташқи сийосатининг устувор тамойилларидан бири ҳеч қандай ҳарбий блоklangа аъзо бўлмаслиқдир. Президент Ислам Каримов бу масалани янада содда қилиб тушунириб айтдики, бирорта ўзбек аскарини ўз мамлакатимиз чегаралари ҳудудидан ташқарига бориб, ҳар хил можароларда иштирок этмайди. Иккинчидан, Ўзбекистоннинг бугунги сийосий-журғофий ҳолати ҳам бирор бир ҳарбий блокка кириш амалига тўғри келмайди. Янниким, мабодо шунга амал қилганидан бўлса, бу минтақадаги хавфсизлик мувозанатига путур етказиб қўйиши мумкин. Гарчанд минтақамиздаги айрим давлатлар ўз саъй-ҳаракатлари билан минтақа хавфсизлигига раҳна солаётган бўлса-да, Ўзбекистон раҳбарияти буларга қарши ҳаракат қилмаслигини очик-ойдин маълум қилган. Аксинча, бизнинг мақсадимиз минтақамизда тинчлик ва барқарорлик бўлишини, халқимизнинг ҳаққий эркин ва фаровон ҳаётга эришишини таъминлашдир. Бу борада нафақат ўрта Осиё, балки бутун Осиё минтақаси давлатлари ичидан энг кўп жон куйдираётган мамлакат Ўзбекистон, десак муболага ҳам, нокамтарлик ҳам бўлмайди. Ўзбекистон-НАТО муносабатларининг асл моҳияти ҳам шу - давлатимизнинг хавфсизлиги ва тинчлигини таъминлашда қолаверса минтақада барқарорликни қарор топтириш учун шарт-шароитни имкон қадар кенгайтириш ва мустақамлашдан иборат.

Бугунги кунда дунёдаги 19 мамлакат НАТОнинг тўқонли аъзоси саналади, қирққа яқин давлат ушбу альянс билан ҳамкорлик қилади. Мазкур Шимолий альянс билан, НАТОга аъзо ҳамда унга шерик давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш Ўзбекистон учун жуда муҳим. Ислам Каримов Евроатлантика ҳамкорлик кенгашининг янги мажлисида сўзга чиқиб, Ўрта Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни сақлаш учун зарур омиларга алоҳида тўхталиб ўтди. Аввало, йигирма йилдан бери давом этиб келаятган ва минтақа хавфсизлигига катта таҳдид солаётган афрон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш. Шу ўринда бир фикрни айтиш жоиздир. Агар Европанинг бирор бир мамлакатини қизқинчилига жанжал чиқса уч-тўрт киши қўрбон бўлса, масала дарров жаҳоншумул аҳамият касб этади. Ҳолбуки, Афғонистонда кунига юзлаб одамлар уруш тўғрисида ҳалок бўлаётгани жаҳон аҳлида ундалик ҳам катта ташвиш тудирмаётгани ажабландир. Фикримизча, бунинг сабаби жон хавфсизлик тизимида мувозанат йўқлигидир. Ўзбекистоннинг, қолаверса бошқа давлатларнинг ҳам НАТО билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга интиляётгани айна шу мувозанатни таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз. Негаки, биз истаймизки, йўқми, бугунги кунда НАТО дунёдаги ҳар қандай зуравонликка ҳарбий ва сийосий жиҳатдан қарши тура оладиган ягона ташкилот бўлиб қолайпти. Хусусан, Босния воқеалари НАТОнинг дунё учун кераклигини аниқ-тиниқ исбот қилган эди.

Иккинчидан, ядро қуролига эга давлатлар сонининг кўпайишига йўл қўймаслик зарур. Негаки, кейинги вақтда Жанубий Осиёда ўтказилган ядро синовлари кишини ташвишга солади. Учинчидан эса минтақада диний экстремизм ва фундаментализмнинг тарқалишига йўл қўймаслик лозим. Айтиш мумкинки, бугун айнан диний экстремизм ва фундаментализм ер юзидида кўпайиб урушлар, можароларга ҳаво бериб турибди. Туртинчидан эса терроризм ва зуравонлик, қурол-ярғоқ ҳамда наркотик моддалар контрабандасига қарши ҳамкорликда курашни кучайтириш зарур. Айна шу масалаларда Ўзбекистон НАТОнинг ва унга шерик бошқа давлатларнинг кўмагига эҳтиёж сезади.

Бир сўз билан айтганда, НАТО бугунги кунда умуминсоний қадриятлар, демократия йўлида собит бораётган давлатларнинг хавфсизлиги ва барқарорлиги учун хизмат қилгани халқаро институтдир. Бундан буёғига ушбу альянс ҳарбий эмас, балки кўпроқ сийосий ташкилот сифатида обрў-эътибор қозонса, ажаб эмас. Ҳар ҳолда, ташкилот доирасида амалга ошириляётган ислохотлар, унинг келгуси асрдаги фаолияти доир режалар шундан далолат беради.

Ташрифининг яна бир муҳим жиҳати хусусида, яъни Ўзбекистон раҳбарининг халқаро ташкилотлар вакиллари билан

бўлиб ўтган учрашувлари тўхталиб ўтсак. Қизғин шундаки, илк учрашув Ислам Каримов ўтирган самолёт ҳали манзилга етиб бормасданқоқ бўлиб ўтди. Яъни, давлатимиз раҳбари сафар чоғида Голландия пойтахти Амстердамда тўхтаб ўтиб ва бу ерда Европа Иттифоқи Комиссияси Комиссари Ханс Ван Ден Брук билан учрашди. Учрашувда, асосан Ўзбекистон, қолаверса, Марказий Осиё мамлакатларининг коммуникация имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилганидан лойиҳаларнинг молиявий таъминоти билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

24 апрел кунини Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонасида Ўзбекистон, Грузия, Озарбайжон, Украина ва Молдова Президентларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув самараси ўлароқ, Грузия, Украина, Озарбайжон ҳамда Молдова ўртасидаги ҳамкорлик тузилмасига Ўзбекистон ҳам қўшилди. Демак, бундан буён бу тузилма ГУУАМ, деб юритилади. Ушбу тузилма ўзаро жүрғофий жойлашувга асосланган бўлиб, унинг асосий мақсади иштирокчи давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, коммуникацияни ривожлантиришдир. Грузия, Украина, Озарбайжон ва Молдова давлат раҳбарларининг 1997 йил Страсбургда бўлиб ўтган учрашувида тузилган ушбу бирликнинг дастлабки қилишуви Фарбога қурол-ярғоқ тарқалишининг олдини олиш бўйича бўлган эса-да, ҳозирги кунга келиб унинг вазифалари сезилари даражада кенгайди. Мазкур бирлик доирасида ҳамкорлик қилиш, бизга, айниқса, коммуникацияни ривожлантириш учун муҳим. Биламизки, транспорт коммуникацияси масаласи денгиз портларидан узоқда жойлашган Ўзбекистон учун стратегик аҳамиятга эга. Шу боисдан Ўзбекистон Буюк Ипак йўли, ТРАСЕКА доирасидаги ишларда фаол иштирок этаётипти.

Ислам Каримовнинг «Эксимбанк» президенти Ж.Ҳермон билан мулоқоти, шунингдек, Капитолийда Ўрта Осиё ҳамда Кавказ давлатлари раҳбарлари билан бирга АҚШ сенаторлари билан учрашуви ҳам ташрифининг муҳим воқеаларидан бўлди. Шу ўринда, АҚШ сенаторлари билан бўлган учрашув ҳақида бироз тўхталиб ўтсак.

Сенатор Сэм Браунбек учрашувини очар экан, айна вақтда АҚШ сенати «Буюк Ипак йўли - XXI аср» номи қонун қабул қилишга қозғалаятганини маълум қилди. АҚШнинг Буюк Ипак йўлига қизиқаётгани хайри, албатта. Табиий бир савол туғилади: нега Буюк Ипак йўли орадан икки минг йил ўтиб яна муҳим стратегик аҳамият касб этаётипти? Сабаб шунки, бугун бу йўлдан нафақат мазкур минтақа давлатлари, балки Европа мамлакатлари, шу жумладан АҚШ ҳам катта манфаат топиши мумкинлиги тобора аққорлоқ намён бўлаяпти. Давлатимиз раҳбари сенаторлар билан учрашувда сўзга чиқиб, йиғилганларнинг эътиборини Буюк Ипак йўлини ривожлантиришга қандай омилар, қучлар халал бериши мумкин, деган масалага қаратди. Сир эмаски, айрим мамлакатларда ўрта Осиё ва Кавказ давлатларининг Фарбога томон янги алоқа коридорларига эга бўлишини хоҳламайди. Айниқса, мазкур минтақадаги нефть ва газнинг жаҳон бозорига чиқариши учун янги йўналишларини пайдо бўлаётгани уларнинг пайтавасига қўрт тушираётди. Иккинчидан, диний экстремизм ва фундаментализмнинг мазкур минтақа мамлакатларида тарқалиши ва бунинг асосида юзага келадиган беқарорлик ҳам давлатларимизнинг ҳамкорлик йўлидаги саъй-ҳаракатларига путур етказиши мумкин. Учинчидан эса айрим давлатлар ҳамон шовинистлик кайфиятдан ҳалос бўла олмаётгани билан боғлиқ. Улар минтақада ўз таъсирларини сақлаб қолдиш учун турли амаллардан фойдаланяпти. Бу ҳаракат эса Буюк Ипак йўлини тиклаш, ўзаро интеграциялашув йўлидан бораётган давлатларнинг мақсадиға эид. Ва ниҳоят, Осиёдаги айрим давлатлар ўз стратегик мақсадларини қўзлаб Буюк Ипак йўлининг тиклинишига ва ривожланишига халал бериши мумкин. Шунинг учун бу ҳақда гап кетганда юқорида тилга олинган масалаларга алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади.

Ўзбекистон Президентининг Жаҳон банки гуруҳи Президенти Ж.Вулфенсон, Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директорининг ўринбосари Ш.Сугисаки билан олиб борган музокаралари ҳам гоят самарали бўлди.

Ниҳоят, сафарининг яна бир муҳим жиҳати - Ўзбекистон-Америка муносабатлари ҳақида. Давлатимиз раҳбарининг ташрифи давомида АҚШнинг раҳбар доиралари вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувлари Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг ривожига муҳим аҳамият касб этагани шубҳасиз. Хусусан, Ислам Каримов билан АҚШ Давлат котиби Малден Олбрайт ўртасида бўлиб ўтган учрашувини алоҳида таъкидлаш керак.

Шу ўринда Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари ҳақдаги айрим фикрларни айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Кейинги вақтда бу икки мамлакатнинг бир-бирига сезилари даражада яқинлашгани кузатилади. Бу сунъий эмас, балки табиий жараёндир. Елимизда, юртимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда АҚШдаги айрим сийосатдонларнинг Ўзбекистон

◆ Ташкилотларнинг қўллаб-қувватлаши билан фаолиятини кенгайтиришга имконият берилди. Президент Ислам Каримовнинг Олий Мажлисининг ўн туртинчи сессиясидаги маърузасига бағишланди.

◆ Нукус аэропорти янги муҳташам бинога эга бўлди. Ана шунинг шарофати билан эндиликда Қорақалпоғистон Республикасида хорижий давлатлар билан турли йўналишдаги самолётлар қатновини йўлга қўйиш имкони туғилди.

◆ Фарғона вилоятининг Қўва туманида замонавий андозаларга мос бўлган 750 ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши бошланди.

◆ Жиззахда республика «Асабанк»-нинг вилоят бўлими янги бинога қўйиб ўтди. Бу ерда мижозларга хизмат кўрсатиш учун барча қулайликлар яратилган.

◆ Давлат солиқ қўмитасида ўтказилган ҳайъатнинг кенгайтирилган мажлисида солиқ хизматининг жорий йилнинг биринчи чорагидаги фаолияти яқунлари қараб чиқилди.

◆ Навоий шаҳрида «Ешлар ва сийосат» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

◆ 1-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг Урганчдаги филиалида нейрорехабилитация минтақавий илмий-амалий анжумани ўтказилди.

◆ Республика матбуотида Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг туғрисида»ги Қонуни эълон қилинди.

◆ Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида «Ўзбекистон графикаси ва ҳайкалтарошлиғи санъати» номи остидаги кўргазма очилди.

◆ Нукус ўлкашунослик музейида очилган муслиқ асбоблар кўргазмасида ана шу муслиқ асбоблар жўрлигида бахшилар «Алломини» дostonини қўйлади.

◆ Хиндистон маданияти марказида таниқли расом Неймат Ҳакимовнинг ижодий кўргазмаси очилди.

◆ Бугун Алишер Навоий номидаги Санъат саройида ўзбек кино усталари яратган «Чапани ошиқ» деб аталувчи муслиқ кинокомедиянинг тақдимот маросими бўлади. Ушбу фильмда Обид Асомов, Отабек Мадрохимов, Сўғдиёна Исроилова сингари таниқли санъаткорлар ўз роллари билан қатнашганлар.

ЖАҲОНДА

◆ **Кеча** Москвада МДХ мамлакатларининг махсус анжумани очилди. Унда ҳамдўстлик мамлакатлари давлатлари раҳбарларининг қўлида олиб даражада ўтказилган саммитида қабул қилинган қарорлари бажарилиши йўллари кўриб чиқилмоқда.

◆ **Кеча** Грузияда Грузия, Озарбайжон ва Арманистон ички ишлар вазирларининг буюнтячиликка қарши курашдаги ҳамкорлиги масалалари бўйича кенгаш ўтказилди.

◆ **Бугун** ЖАР Президенти Нельсон Мандела Борис Ельциннинг тақдирига буюн расмий ташрифи билан Москвага келди.

◆ Вашингтонда «Катта еттилик» давлатлари молия вазирларининг кенгаши бўлиб ўтди. Унга Россия молия вазир М. Задорнов ва Марказий банк раиси В. Герашченколар ҳам тақдир этилдилар.

◆ БМТ Бош котиби Кофи Аннан шафелигида Шарқий Тиморга мустақиллик бериш туғрисидаги ҳужжат имзоланди.

◆ Владивостокда Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатларининг ташқи ишлар вазирлари даражасидаги кенгаши бўлиб ўтмоқда.

◆ Хиндистон Президенти К. Р. Нараян мамлакатнинг янги ҳукумати тузилмаганлиги боисидан парламентнинг қўйи палатасини тарқатиб юборди. Яқин вақт ичида парламентнинг қўйи палатаси депутатлигига янги сайловлар бўлиб ўтади.

◆ Украина Бош вазири Валерий Пустовойтенко Корея Республикасидаги «ДЭУ» компаниялари гуруҳи раҳбари Ким У Жунг билан «Авто-3А3-ДЭУ» қўша корхонасининг бундан кейинги фаолияти юзасидан музокара ўтказди.

◆ **Бугун** Страсбургда Европа Иттифоқи парламенти ассамблеясининг юбилей сессияси муносабати билан тантаналар бўлиб ўтади.

◆ Бангкокда Осиё ва Тинч океани минтақаси бўйича БМТ иқтисодий ва ижтимоий комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

◆ Жанубий Кореянинг биринчи хоними Ли Хи Хо ўз мамлақати фуқароларига КХДР учун озиқ-овқат ёрдами кўрсатиш мақсадида пул йиғиш даъвати билан мурожаат қилди.

◆ Молдовада ўқитувчилар иш ташлаш эълон қилди. Ҳозирги пайтда мамлақатдаги 700 га яқин мактабда дарс ўтиш жараёни тўхтаб қолган. Иш ташлашлардан ҳукуматдан фақат иш ҳақи ўз вақтида тўлиниши таъминланишини талаб қилмоқдалар.

◆ Россия Федерацияси ички ишлар вазири С. Степашин одамларнинг ўғирлаб кетилишига қарши курашни кучайтириш чоралари сифатида Чеченистон билан маъмурий чегаранинг амалдаги беркитилишини эълон қилди.

◆ Австрияда ядровий хавфсизлик конвенциясига аъзо мамлақатлар вакилларининг анжумани бўлиб ўтди.

◆ Москвадаги «Интурист» меҳмонхонасида қўлбола қуриланинг портлаши оқибатида 11 киши жараҳатланиб, шулардан 6 киши касалхонага ётқизилди. Бир қатор йирик фирма ва компанияларнинг, шу жумладан Давлат Думаси депутаты Иосиф Кобзонга қарашли идоралар жойлашган 20-кават жиддий шикастланди.

◆ Грузияда Кавказоти сайёҳлигини ривожлантириш бўйича халқаро кўргазма очилди. Унда 12 мамлақатдан 60 га яқин сайёҳлик фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этмоқда.

◆ АҚШнинг Кентукки штатидаги Форт-Кэмпбелл ҳарбий базаси яқинида АҚШ қуроли қучларига қарашли ҳарбий вертолёт ҳалокатга учради. Натижада етти нафар ҳарбий хизматчи ҳалок бўлди, тўрт нафар эса турли даражада тан жароҳати олди.

◆ Лондонда ўз унинг оstonасида «Би-би-си» телекўрсатувини олиб борадиган 37 ёшли Джил Дандау отиб кетилди. Маълумки, у жониятчилик билан боғлиқ дастурни олиб борадиган ва кейинги пайтларда ўзининг ҳаётидан хавфсизлаштирилиши айтган эди.

Анжуманлар

ТАЖРИБА АЛМАШИЛДИ

БУГУН

1-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг «Кўрак қафаси ва қорин бўлиши қасалликларининг тиббиёт вишуализацияси ва интервенцион радиоагносис» мавзусидаги уч кунлик халқаро илмий-амалий анжумани ўз ишини якунлади.

— Германиянинг «Сименс», «Филипс», «Шеринг» фирмалари хомийлик қилган мазкур анжуманда Европа рентгенологлари ассоциацияси президенти, профессор Ригерц, шунингдек Германия, Россия ва Козгистондан келган мутахассислар иштирок этишти, — деди анжуман иштирокчиси Отабек Аблязов. — Бугунги кунда бизнинг институтимизда энг замонавий ташхис қўвчи аппаратлардан бири — магнитли томографдан кенг фойдаланилмоқда. Ундан олинган хулосалар бугунги анжуманда дунё андозаларига солиштирилиб, бу борада тажрибалар алмашилди. Хорижий тажрибалар ўзимизда ташхис қўйиш ишлари такомиллашувига таъсир этади, албатта.

Абдумалик АБДУРАХМОНОВ.

27 апрель кунини Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Вашингтондан Тошкентга қайтиб келди. Пойтахт аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Олий Мажлис Раиси Э.Халилов, Бош вазир У.Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тулаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Фарҳод АРЗИЕВ,
Ўза махсус мухбири,
Тошкент-Вашингтон-Тошкент.
СУРАТЛАРДА: ташрифи пайти.

Фарҳод Курбонбоев олган суратлар.

Фан

КАРВОННИ БИЛАСИЗМИ?

Карвон кимёвий модда бўлиб, ўзига хос хидга эгадир. Сувда эримайдиган, органик эритувчиларда эрийдиган карвон 230 даражада қайнайд...

ТЕМИРНИНГ РАНГДОР БЎЁҚЛАРИ

Темирнинг ўнлаб бўёқлари маълум. Булар орасида темир зангориси машҳурдир. Уни милори, берлин мовийси, берлин зангориси, париж кўки деб аташлари буж эмас...

ЯНГИ ГЕЛЬ

Швециядаги «Меди теам» фирмаси тиббиётда қўлланиладиган янги гели тайёрлади. Ташкири ширини даволочи янги гели иккита моддадан ташкил тоған бўлиб...

ТОШГА АЙЛАНГАН БИРИКМАЛАР

Тирик жониворларнинг жун ва туқлари асосан азотли бирикмалардан ташкил тоғанлиги ўрганилган. Қараңки, яқинда Хитойда америкалик олимлар томонидан тадқиқ қилинган археологик топилмаларда майда сут эмизувчиларнинг қадимий дунёда яшаган аждодлариде азотли бирикмалар мўл ҳосил бўлганлигини исботлашди...

ҲАВО ДАРЁЛАРНИ ТОЗАЛАЙДИ

Дарёлар ўртасида шохлар, тахта ёки бирор бошқа нарсалар туриб қолганда улар атрофида кўпиклар пайдо бўлиб ётганлигини ҳаммамиз кўрганмиз. Бу — сувдаги эриган ҳавонинг турли аралашмалар билан ҳосил қилаётган кўпик сифатидаги ташландик нарсалардир. Ана шу кўпиклар олиб ташланса дарё тозаланади, суви мазази бўлади...

Қудрат АХМЕРОВ, кимё фанлари доктори, профессор.

«МАЗ»ГА ЯШИРИЛГАН ҚОРА ДОРИ

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг Жиноят қийрув бошқармаси тезкор қидирув бўлими ходимлари пойтахтнинг энг одам гавжум бўлувчи бозори ҳисобланган «Отчопар»да тадбир ўтказишганида гувоҳликка чақирилганлар ҳайратдан ханг-манг бўлиб қолди.

Шубҳали туолган Сурхондарё вилоятидан келган «МАЗ» юк автомашинаси кўздан кечирилганида унинг қўшимча ёниги қисмидан 10 килограмм 243 грамм қора дори гиёвандлик моддаси топилди. Хайдовчи ва юкнинг эгаси бўлган шахс милиция ходимларининг бу «таширини» кутмаган бўлиши керак, берилган саволларга жавоб беролмай довраб қолишди.

Текширишлар натижасида шулар аниқландики, ушбу шахслар ўзаро тил бириктириб, ушбу «мол»ни сотиш эвазига мўмай пул ишлаб олишни мақсад қўйишган экан. Энди улар пул ишлаш учун эмас, қилимиши учун жазони ўташга кетадиган бўлишди.

Шу бошқарманинг гиёвандликка қарши кураш бўлими ходимлари ДАН, Махсус хизмат итларини жалб қилиш ва Матбуот гуруҳи ходимлари билан бирга ўтказган тадбирда ҳам гиёвандларнинг яна бир уриниши барбод бўлди. «Кўйлик» бозоридан Қозғистон Республикасининг Павлодар шаҳрига йўл олган «Икарус» русумли автобус йўловчилари кўздан кечирилганида Мировод туманида истиқомат қилувчи М. Нинанинг юклари олдида Марк лакабли кучкча узок вақт увиллаганича қолиб кетди. Бу пайт Нина хонимнинг рангидан қон қочиб, бор сирни ошкор қилиб қўйди.

Кўзлар, кўзлар, кўзлар. Ҳикмат кўп сизларда. Сиз ҳаё, ифбат, садоқат ва вафодорлик белгисиз. Сизнинг жоду киприкларингиз ханжар бўлиб зала юракларни тилка-пора қилади. Қарашларингиз зор-интизор кўнгуллarga ўт-олов ташлаб ўтади. Сехрлаш қобилияти бор сизларда. Сизга осонликча эришиб бўлмайди. Сиз юксак чўққисиз. Уни забт этиш унча-мунча одамнинг қўлидан келмайди.

Кўзлар, кўзлар, тимқора кўзлар. Қарашларингиздан ҳамма нарса аён. Ундаги жозибаю соддалик, меҳру қаҳр яққол сезилиб туради. Баъзан сиз тошбағирсиз. Бевафалик, ҳаёсизлик ҳам энг биринчи сизда ўз аксини топади. Гоҳ сиз алдамчисиз. Дилгир кўнгуллarga чамқок англиг кирасизу кўп ўқмай уларни тун зулматига ташлаб кетасиз.

Кўзлар, кўзлар тенгти йўқ тим қора кўзлар. Мен ҳам сизнинг шайдоингизман.

Қапта КЎЗЛАР



Ушанда гўё қорачўғингизда митиллаб қўринаётган ой бутун оламга ёрқин нур сочаётгандек эди мен учун. Уша файзли кечада биринчи бор сиздан бўса олганимда муаттар ҳиддан бошим айланди. Маст одамдек судзилиб қолдим. Гўё бахт қуши шу дақиқада менинг елкамга қўнгандек эди.

Яна учрашдик. Яна ва яна. Ниҳоят... Вожаб. Бунисини таърифлашга тилим ожиз. Менга боқишларингиз ўзгарди. Қарашларингизда лоқайдлик кўрдим. Киприклардан отилиб турган муҳаббат учқуни сўнди. Нега бунчалик тез ўзгардингиз, кўзлар?

Ниҳоят... Жумбоқ ечилди. Сиз бошқа бировга... Йўқ, бунисини айтишга тилим дол. Қисматимни ланьнатладим. Қадимларингизга чўғ босилди. Ёруғ олам кўзимга қоронгу кўринди. Чилдадим. Инсон ҳаммасига бардош бераркан. Тақдирга тан бердим.

Йиллар бир-бирини қувиб ўтди. Тириклик, оила ташвиши ҳар биримизни ўз домига торпти. Фарзандлар камолини ўйлади. Ҳаммаси унут бўлгандек эди. Леким... Оралдан йиллар ўтди яна йўлнингиз туташди. Учрашдик. Саломлашдик. Менга термулдингиз. Юрагим қинидан чиққудек ҳапқирди-ю қалбим унга тез сув сеғди. Сиз кўнгулнинг, мен ҳурпайдим. Очинини айтсам, шу дамда жуда ранжидим сиздан. Ушанда бегона йитиб билан кўрганымда ҳам бунчалик ранжидиман эдим. Аммо буниси ўтиб тушди. Эссиз гўзаллик. Табиат берган маъсу маликни бузишга қандай ҳақингиз сиғди? Беўшлов пардозу андозлар нега сизга шунчалар керак бўлиб қолди. Йиллар ҳали ҳам тамгасини тўла боса олмаган бу қора кўзлар, лаптофатини йўқотмаган чехрага аллақандай бўёқларни чаплаш наҳотки сиз учун ҳусн бўлса?

Аттанг, аттанг. Уша бевафалик белгиси энди шундоққина чехрангизда ўз ифодасини топа қолибди. Гўзаллик ўрнини бачкана, сохталик қоплабди. Мана шуниси алам қилди менга. Кўзлар, кўзлар. Ҳикмат кўп сизларда. Сизнинг сехрингизга бир неча бор тан берганман. Сиз гўзалсиз, сиз инжусиз. Ниҳоят шу гўзаллик ўрнини ҳеч қачон алдамчи бўёқлар қопламасин. Кўзлар, кўзлар. Сиз муҳаббат таржимонисиз. Сиз меҳригисиз. Мақсуд ОРИПОВ.

СОВРИН БИЛАН ҚАЙТДИ

Кейинги пайтда республикамиз терма жамоасига кирган муайтайчилар халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келишяпти. Мисол учун биргина ўтган йил Бангкогда ўтказилган 13-Осиё ўйинларида муайтайчиларимиз гарчи икк бор иштирок этишган бўлишса-да, кучли рақибларини мағлуб этиб беш кишидан иборат спортчилар бари олтин, кумуш ва бронза медаллари билан қайтишди.

Куни кеча терма жамоамиз таркибига кирган 9 нафар муайтайчилар Қозғистон Президенти кубоги халқаро турнирида муваффақиятли иштирок этиб келишди. Қизикарли ўтган халқаро турнирда 15 та жамоадан жами 300 га яқин спортчилар фоллиб учун рингга чиқдилар.

45 килограмм вазнда 13-Осиё ўйинлари фоллиб Камолитдин Юсупов кучли эканлигини исботлади. 58 килограмм вазнда Хайрулло Улходаев барча рақибларини мағлуб этди. 63 килограмм вазнда Фурқат Муслинов фоллиб бўлди. 67 килограмм вазнда Хитойда ўтган Осиё фестивали чемпиони Сайдулло Исмаилов шохсупасининг юқори поғонасидан жой олди. 51 килограмм вазнда курашган Шерзод Нигмонов ҳам олтин медални қўлга киритди.

Шунингдек, Шофайз Шониятов, Комил Мирзаевлар кумуш, Жамолитдин Юсупов ҳамда Жаҳонгир Фуломовлар Қозғистон Президенти кубоги халқаро мусобақасининг бронза медалларига эга бўлишди. Умумжамоа ҳисобида Қозғистондан сўнг мамлакатимиз спортчилари 2-ўринни эгаллашди. Энди муайтайчилар Таиландда ўтадиган қирол кубоги бахсларига ҳозирлик қўришяпти...

ОМАДЛИ ЁШЛАР

Тошкентдаги МХСК оғир атлетика залида пойтахт ўқувчиларининг спартакиадаси бўлиб ўтди.

Мусобақада Тошкентдаги бир қанча кўнгулли спорт жамятлари ҳамда Темир йўл лицейи ўқувчилари иштирок этишди. Қизикарли ўтган спартакиада бахслари 10 та вазн тоифасида олиб борилди. Аслида оғир атлетика мусобақаси 8 вазнда олиб борилди. Бу спартакиадада эса ўқувчиларни шу спорт турига жалб этиш мақсадида яна иккита кичик вазн қўйилди. Унда бўлғуси спортчилар ўз маҳоратларини намойиш этишди.

36 килограмм вазн тоифасида мусобақанинг энг ёш иштирокчиси Иван Беликов 30 килограмм тун кўтариб биринчи ўринни олди.

42 килограмм вазнда Григарин Андрей — 1, Магаев Станислав — 2, Борисов Алексей — 3 бўлди. Энди асосий 46 килограмм вазнда Константин Мигельхис 1-ўринни олди. Юрий Демин — 2-ўринни эгаллади. 50 килограмм вазнда Аббар Мирсоатов катта натижа кўрсатиб фоллиб бўлди.

62 килограмм вазнда Мансур Хабибулин юқори натижа кўрсатиб ҳурмат шохсупасининг юқори поғонасидан жой олди. Терма жамоа мураббийларидан Фурқат Холқовнинг айтишича, Мансур Чирчиқда бўлган республика ўқувчиларининг спартакиадасида ҳам фоллибар қаторидан жой олди. 69 килограмм вазнда Руслан Сариев 1-ўринни олди. У икки курашда 187 килограмм натижа кўрсатди. 77 килограмм вазнда Саъдулло Абдуразақов, Янис Александрлар фоллиб бўлишди. Тўлқин Давлатов бетоблиги туфайли ушбу спартакиада бахсларида қатнаша олмади. У ҳам маҳоратли оғир атлетикачилардан ҳисобланади. Фоллибларга ҳомийлар томонидан ажратилган эсдалик совғалари топширилди.

Яқинда Тошкентдаги республика олимпия ўринбосарлари тайёрлаш билим юртида оғир атлетика бўйича катта мусобақа ўтказилган. Шу ерда Элдор Гумеров 160 килограмм даст, 125 килограмм силжиб кўтариб янги рекорд ўрнатиб фоллиб чиққанди. Шу республика оғир атлетика марказий залида шугулланганидан Ислом Тошмуродов 94 килограмм вазнда биринчи ўринни олди. Шу икки тажрибали оғир атлетикачиларни устозлари шу АҚШда 1-7 июнда ўтадиган жаҳон биринчилигига тайёрлашяпти. Биз фурсатдан фойдаланиб бу жаҳон биринчилиги бахсларида мамлакатимиз спорт шарафини ҳимоя қиладиган полвонларимизга омад ёр бўлсин деймиз.

Шоҳалол ШОҚОСИМОВ.

ДОНГДОР ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШДИ

Тошкент вилоятининг Паркент шаҳридаги марказий майдонда Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси соврини учун шаҳар ва қишлоқлар жисмоний тарбия жамоалари ўртасида анъанавий кураш мусобақаси ўтказилди.

100 килограмм вазндаги полвонлар беллашуви муклис мутахассисларга катта қизиқиш уйғотди. Гиламга паркентлик донгдор полвон Ҳамлет Йўлдошевнинг шоғирди Шоқир Шомаликов ва Сирдарёдан келган Мурод Эгамбердиевлар тушишди. Шоқир полвон бир дақиқа ичида чиройли усул қўллаб соф галабани қўлга киритди.

Олти вилоят ва Тошкент шаҳридан келган жами 100 га яқин полвонлар курашининг фарғонача услубида ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Қизикарли ўтган беллашувлар натижасига кўра 60 килограмм вазнда Умар Махаматов (Тошкент вилояти) пойтахтлик Акмал Хуснидиновнинг курагини ерга теккизган ҳолда фоллиб чиқди. 66 килограмм вазнда эса Тошкент шаҳри командаси азбоси Шерзод Тўшпулатов республиканинг бир неча бор чемпиони Имом Махаматов (Тошкент вилояти)ни катта қийинчилик билан енгиб зафар кучди. 73 килограмм вазнда ҳам ҳамшаҳримиз Усмон Махаматов пойтахт вилоятилик Баҳром Икромов устидан галаба қозонди.

100 килограммдан ортик вазнда гиламга фарғоналик моҳир полвон Аҳмад Тўрақуллов ва андижонлик Анвар Тўхтасиновлар тушишди. Ушбу беллашувда Аҳмад полвон фоллиб чиқди. Мутлақ вазндаги беллашувда ҳам Аҳмад Тўрақуллов барча полвонларни мағлуб этиб бош соврин эгаси бўлди.

Жалил ҚОДИРОВ.

Рашид Галиев олган сурат.



Нина хоним ҳам оз эмас, кўп эмас 3 кило 884 грамм соф қора дорини қайдасан Павлодар шаҳри дея олиб кетмокчи бўлганди. Бироқ шу кичкинагина кучкча барча ишнинг белига тепди. Ахир ҳиди чикмасин дея қора дорини елим халтага маҳкам ўраганди. Устига қаламбир ҳам сепганди-я. Начора. Нина бу гал милиция ходимларига чап беролмади. Айтишади-ку «Қингир ишининг қийғи 40 йилдан кейин бўлса ҳам чикади деб».

Ҳозир бу хотин ҳам қилимшлари учун терговда жавоб бериб ўтирибди.

«02»

БОЛА ЎҒРИЛАРИ

Газетамизнинг олдинги сонларидан биринида Чилонзор туманидаги хонадонлардан биринида бола ўғирлигини содир этган икки кишининг иши, яъни қилмиши ҳақида ёзиб ўтгандик.

Биз бу гал ҳикоя қилаётган одамлар ҳам шайтон васвасига учраб, ўзлари яшаб турган маҳалладаги ўзига тўқ одамнинг фарзандини ўғирлаб кетишади.

Боласи ҳадеб мактабдан қайтавермаган ота-она уни сурштириб кирмаган тешикларни қолмайди. Ота бу борда бир неча марта ҳушидан кетиб, ҳушига келади. Фақат маълум муддат ўтган телефонда номаълум кимсадан ўғли тилриклигини, «ишончли» одамлар қўлида эканлигини эшитиб юраклари бироз таскин топади. Хайрият, тирик экан. Бироқ эш хамирдан қил суғурганидек осон кечмади. Телефон гўшанининг нариги томонидан болани кўп миқдордаги АҚШ долларлари эвазига қайтарилишини эшитиб ҳаммаларининг юраги қонга тўлди. Бунча пулни қаердан оламиз?

— У, бу жойга бориб арз қилгудек бўлсаларинг ўзларингга қийин бўлади. Милицияга боришни ҳаёлингизга ҳам келтирмаганлар.

Бу гапларни эшитган ота-она бир сиқим тупроқ билан баробар бўлишди. Нима қилиш керак? Бош қотди. Фарзанд пулдан ҳам, мол-дунёдан ҳам азиз. Қўни-қўшни, қариндош, ҳешдан қарз кўтариб 50 минг АҚШ долларини топиб эвазига бола олиб қайтсакмикин.

Отанинг боши қотди. Она эса аллақачон чала ўликка айланган. Кўз ўшигида боласининг суратидан бошқа ҳеч нарса айланмайди. Қарахт. Боши гангиган. На ейди, на ичади. Оила ўзининг энг муҳдиш ва ёмон кўнларини бошидан кечирмокда эди.

Ниҳоят, ота ўзигади ақлига итват этди: «Милицияга бораман. Бор гапни тўла-тўқис тўшунтириб бераман».

Бир энлик қоғозга ариза ёзишларини, қолган ишда эса баҳамжихатлик ва ҳамкорликда ишлашни айтишди. Уч кеча-кундуз на милиция ходимлари, на бу оила аъзоларида тиним бўлди. Пухта ва чуқур ишланган тадбир асосида товламачиларни қўлга олиш чоралари кўрилди. Товламачилар шаҳарнинг турли бурчакларидан уларнинг ўйларига сим қоқишиб, айтилган пулни талаб қилишарди. Хориж фильмларидаги қароқчиларга ўшаб учрашув жойларини ўзгартираб, у ерга фақат таңҳо «воситачиларсиз» (милиция ходимлари назарда тутилмокда) келишни таъкидлашарди. Дарвоқе қўлга тушганлардан бири товламачилик қилишда айнан хориж фильмларининг қўл келганлигини айтиди.

Бола ниҳоят ота-онанинг бағрига қайтди. Таҳликали кўнлар ортада қолди. Шайхонтоҳур туман судининг ҳукмига кўра бола ўғирлигини содир этган кимсаларга нисбатан 19—20 йилдан қамок жазоси (мол-мулкни мусодара қилиш билан) тайинланди.

Мирза АБДУЛЛАЕВ.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кўнларни, туғилар, юбилейлар муносабати билан қўтловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритилади. Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09. МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

Собир Раҳимов туманидаги 22-ўрта мактаб жамоаси ва қасаба уюшмаси мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Дания Шарапова Холмухамедовага турмуш ўртоғи Мазруф Турсунбаевич ХОЛМУХАМЕДОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихор қилади.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзилими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги.

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-29-09. Душанба, чоршанба ва жума кўнлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209. Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05 телефониға мурожаат қилишингиз мумкин. Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.